

Чорток тумани**2022 йил 1-июл**

«ABRORBEC BUILDING FARM» МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи Х.Абралов бир томондан (бундан бўён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Чорток туман мактабгача таълим бўлими номидан низом асосида иш юритувчи С.Маматвалиев, иккинчи томондан (бундан бўён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар хақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” Чорток туман мактабгача таълим бўлимига қарашли **22-сонли мактабгача таълим ташкилоти қўргон деворини жорий таъмирлаш** ишларини кўрсатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, микдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуклари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуклари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибида ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний хисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишини асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибида у томонидан тақдим этилган техник топширикка биноан хизматларни белгиланган муддат, микдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чикса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аникланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **291 044 011 (Икки юз туксон бир миллион кирк турт минг ун бир)** сўм, ККС билан (ККС билан).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фойзи микдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг хисобракамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибида амалга оширилади.



Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварак-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Фазначилик штампида қўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда қўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни қўрсатиш худди шу техник топширика киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати қўрсатилган ҳисобварак-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни қўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш қундан кечиктиримай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида коладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини қўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада қўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгаришишга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда Буюртмачига нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада қўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айборд томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташкари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплади.

5.4. Хизматлар кечикирилган ёки қўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори қўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки қўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод килмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқлади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чикадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар судларда ҳал қилинади.



VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик киладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул килинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вакти бундай ҳолатлар бартараф этилган вактга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вактига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида заар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ ular билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўклиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўклиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатидаги ҳолатларни келтириш хукуқидан маҳрум килади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик киладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукуқига эга. Бундай холда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган заарни коплашни талаб килишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноконуний устунликларга ёки бошқа ноконуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усууллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош торгади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартлариши бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганилиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласди. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишибилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноконуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор килинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя килган холда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари^{*} тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва хисобкитоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор килиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат ёзма равишида тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

«ABRORBEK BUILDING FARM» МЧЖ
Манзил: Чорток туман Короскон КФЙ
Тинчлик МФЙ Ойбек куча
Х/Р: 20208000301019339001
Банк номи: Миллий Банк Чорток филиали
МФО: 00932
ИНН: 305 993 977
ОКЭД: _____

Буюртмачи:

Чорток туман мактабгача таълим бўлими
Манзил: Чорток ш Дилдош МФЙ Мустакиллик шох кучка
40A уй

Р/с: _____
Л/с: 100022860142367091100251001

Банк реквизитлари: Марказий банк Тош. ш. ББХКМ
МФО : 00014 ИНН: 305151394

ОКЭД: _____
Ғазначилик бўлинмаси номи: Молия
Вазирлиги газначилиги
Ғазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш ББХКМ
МФО: 00014 СТИРи: 201122919

Бажарувчи:



Х.Аbralov

Буюртмачи:



С.Маматвалиев

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Sharhnomalar № 1/07-2022

2. Loyihaning nomi: Qurilish pudrati to'g'risida

Chortoq tuman mактабгача, ta'lим bo'limi va «ABRORBЕK BUILDING FARM» MCHJ o'rтасида Chortoq tuman mактабгача ta'lим bo'limiga qarashli 22-sonli mактабгача ta'lим tashkiloti qo'rg'on devorini joriy ta'mirlash to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Chortoq tuman mактабгача ta'lим bo'limi tomonidan 30.06.2022 yilda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlari muvofiq muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:



M.Xaydarov

Умумқурилиш-Ижтимоий объектлар

Мелиорация ва ирригация рейтинг

Автомобиль йуллари, куприклар

Лойиҳа ташкилотлари рейтинги


305993977

Ташкилот номи: "ABRORBEK BUILDING FARM" mas'uliyati cheklangan jamiyati

Рейтинг: CCC

Текшириш →

Статистика



16.01.2019

Davlat xizmatlari markazi

1656309



**Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ABRORBEK BUILDING FARM" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsening - Tadbirkorlik subyekting tashkiliy-huquqiy shaxsi to'xtasligi haqidagi to'g'risida nomi)

"ABRORBEK BUILDING FARM" MChJ

(Yuridik shaxsening qo'shig'ligan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

16.01.2019

668216

ro'yxat raqami yozuv kinbiganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (soz bisan), yil)

Soliq ta'lovlarning identifikasiya raqami (STIR):

305993977

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Chortaq tumani, Koroskon, Tinchlik MFY, Oybek
ko'chasi 77 uy.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortaq tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan otkazuvchi organning soliq nomi)



Чорток тумани “Давлат хизматлари”
маркази томонидан 2019 йил
“16” ғарвар “668216”-тартиб
ракам билан

“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”



«ТАСДИКЛАЙМАН»
Жамият таъсисчиси
Абралов Хакимжон
Хошимович

ABRORBEK BUILDING FARM

Масъулияти чекланган жамиятининг

НИЗОМИ

Чорток 2019 йил

1-МОДДА:
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР:

1.1. «ABRORBEC BUILDING FARM» маъсулияти чекланган жамияти келгусида «Жамият» деб юритилади.

1.2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Маъсулияти чекланган хамда кушма маъсулияти чекланган жамияtlар тугрисида»ги конуни (Келгусида «Конун» деб юритилувчи) ва Ўзбекистон Республикасининг хозирда харакатда бўлган меъёрий хужжатларига мувофиқ холда тузилган.

1.3. «Жамият» таъсисчиси «Иштирокчиси» деб :

Абралов Хакимжон Хошимович, Паспорт серияси АА, рақами 5315015, Чорток туман ИИБ томонидан 2014 йил 7 майда берилган.

Яшаш жойи: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чорток туман, Тинчлик МФЙ, Ойбек кўчаси 77 уй.

1.4. «Жамият» иштирокчиларини таркиби узгартирилиши, шунингдек уз хохиши билан Жамият таркибига кириш истагини билдирган, унинг Низомини тан олган ва таъсис бадалини тулаган манфаатдор юридик ёки жисмоний шахсларни кабул килиниши хисобига кенгайтирилиши мумкин.

1.5. «Жамият» Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси хисобланиб, мустакил баланси, банк муассасаларида хисоб ва бошка ракамларига, уз номи курсатилган муҳр, бурчак штампи, фирма белгиси ва бошка белгиларга эга булади. Жамият тулик хужалик хисобида, узини узи молиявий таъминлаш ва уз харажатларини узи коплаш асосида иш олиб боради.

1.6. «Жамият» Ўзбекистон Республикасининг конунчилигига белгиланган тартибда руйхатга олинган кунидан бошлаб юридик шахс хукукига эга булади.

1.7. «Жамият» узининг давлат тилида тулик номи курсатилган думалок муҳрига эга булади.

1.8. «Жамият» уз фирмали номи ёзилган тамгалари ва бланкаларига, уз тимсолига, шунингдаек белгиланган тартибда руйхатдан утказилган товар белгисига, хамда бошка уз белги ва алломатларига эга булишга хаклидар.

1.9. «Жамият» узининг мустакил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, уз номидан тегишли хукукларга эга булиши, мажбуриятларни олиши, судда даъвогар ва жавобгар булиши мумкин.

2-МОДДА:
ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ФАОЛИЯТ МУДДАТИ

2.1. «Жамият» ўзининг тўлиқ фирмали номига эга:

* Ўзбек тилида – «ABRORBEC BUILDING FARM» маъсулияти чекланган жамияти;

* Рус тилида - Общество ограниченной ответственности «ABRORBEC BUILDING FARM»;

2.2. «Жамият» ўзининг қисқа фирмали номига эга:

* Ўзбек тилида – «ABRORBEC BUILDING FARM» МЧЖ;

* Рус тилида - ООО «ABRORBEC BUILDING FARM»;

2.3. Жаъмиятнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чорток туман, Тинчлик МФЙ, Ойбек кўчаси 77 уй.

2.4. «Жамият»нинг фаолият муддати чекланмаган.

3-МОДДА:
ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ:

3.1. «Жамият» ўзини ишбилармонлик фаолияти орқали янгидан иш ўринларини ташкил килиб, фойда топишни кўзловчи хизмат кўрсатувчи ташкилотидир.

3.2. «Жамият»нинг асосий фаолият дориаси турли фаолият соҳаларида Капитал қурилиш, қурилиш-тъмирлаш, қурилиш-монтаж, электро-монтаж, сантехника ишлари, вентиляция, ташқи коммуникация, ичимлик суви тортиш, газ тармоғи тортиш, йул қурилиши (асфальт ёткизиш), том ишлари, темир йул қурилиш, бадиий безаш, пардозлаш ишларини бажариш.

3.3. «Жамият» уз фаолият доирасида куйидагиларни амалга оширади:

- Капитал қурилиш, қурилиш-тъмирлаш, қурилиш-монтаж, электро-монтаж, сантехника ишлари, вентиляция, ташқи коммуникация, ичимлик суви тортиш, газ тармоғи тортиш, йул қурилиши (асфальт ёткизиш), том ишлари, темир йул қурилиш, бадиий безаш, пардозлаш ишларини бажариш.
- Капитал қурилишда Лойижалаштиришни амалга ошириш, Проект ва смета ишлари, Архитектура ландшафт ишларини бажариш.
- Якка тартибда уй-жой (ИЖС) қуриш ва лойижалаштириш;

- Курилиш таъмирлаш ишларини бажаришда бош пудратчи фаолиятини олиб бориш;
- Темир, панжара, эшик ва дераза ромларини ишлаб чикариш ва сотиш;
- Алюмин профилларидан эшик ва дераза ромларини ясаш, урнатиш ва сотиш;
- Ёгоч махсулотларини кайта ишлаш ва сотиш:
- Пластмасса ва резина махсулотларини ишлаб чикариш ва сотиш;
- Металл, пластмасса махсулотларини ишлаб чикариш ва сотиш;
- Курилиш материалларини(оҳак, гишт ва х.к) ишлаб чикариш, олиб келиш ва сотиш, курилиш, курилиш таъмирлаш, пардозлаш ишларини бажариш;
- Чакана савдо, улгуржи савдо, савдо-харид, тижорат ва воситачилик ишларини бажариш;
- Савдо дўконларини ташкил этиш;
- Озик-овкат махсулотлари, саноат ва бошка моллар билан улгуржи ва чакана савдони ташкил килиш;
- Гушт ва сут махсулотларини, озик-овкат ва бошка махсулотларни ишлаб чикариш ва сотиш;
- Туризм фаолияти билан шугилланиш;
- Салкин ичимликлар, тамаки ва спиртли ичимликларни олиб келиш ва сотиш;
- Касалликларни компьютер ЭЭГ, ЭКГ, УЗИ,ЭМРТ,ФГДС, рентген диагностикаси;
- Корхона, муассаса ва ахолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, стационар турда даволаш;
- Умумий овкатланиш шахобчаларини (ресторан, кафе, бар, ошхона, чойхона ва жоказо)ташкил килиш, музкаймок ва салкин ичимликларни ишлаб чикариш, олиб келиш ва сотиш;
- Анкологик хасталикларни профилактикаси ва давоси;
- Неврологик хасталикларни профилактикаси ва давоси;
- Ички касалликларни, лор профилактикаси ва давоси;
- Урологик хасталикларни профилактикаси ва давоси;
- Стоматология хизмати;
- Клиник ва биохимик лаборатория хизмати;
- Тиб-техника шахобчалари ташкил этиш.
- Дори-дармон махсулотларини олиб келиш ва сотиш, дорихоналарни ташкил килиш ва уларнинг фаолиятини юритиш;
- Автомобиль ва транспорт воситалари олиш ва сотиш;
- Автомобилларга техник хизмат курсатиш ва ювиш шахобчаларини ташкил килиш ва сотиш;
- Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, автокосметика, мой алмаштириш, чехол тикиш, двигатель ва кузовларни таъмирлаш, диагностика ва ахолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш;Бетон махсулотлари ишлаб чикариш ва сотиш;
- Республика худудида (шакар, шакар атрофи, шахарлараро) ва давлатлараро автомобил транспорти ёрдамида юк ва йоловчи ташиб хизматини амалга ошириш, автомобилларга техник хизмат курсатиш ва ювиш шахобчаларини ташкил килиш ва уларнинг фаолиятини юритиш, эҳтиёт кисмларни олиб келиш ва сотиш;
- Автомобиллар учун учқун учиргичларни (искрогасител) тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикаси, бошка мамлакатлар худудида конунда белгиланган тартибда биржаларда ва биржалардан ташкари бозорда моллар, хом-аше, ярим тайер махсулотлар, эҳтиёт кисмлар, юк ва енгил автомобиллар, кишлок хужалик техникини, ускуналар ва бошка ресурсларнинг олди-соттиси ва алманиниши фаолияти Билан шугулланиш;
- Юк ва йоловчи ташиб жараёнида амалий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда уларни МДП (TIR Carnet) китобчалари ва бошқа тегишли хужжатлар билан таъминлаш;
- Халқ хўжалиги юкларини ташиб;
- Ахолига ва юридик ташкилотларида мавжуд автотранспорт воситаларига автосервис хизматларини кўрсатиш;

- Автотранспорт воситалари билан жамоа, шажсий ёрдамчи ва деккон хұжаликларига, фермерларга, уюшмаларга, ақолига ҳамда корхоналарга транспорт хизматини күрсатиш ва ижарага бериш;
- Ёнғин учиргичларни кимёвий суюқликтар билан түлдириш ва ёнғинучиргичларни таъмирлаш;
- Компьютер программаларини ишлаб чикариш ва татбик этиш, компьютерлар ва ташкилий техника воситаларини, ҳамда программа махсулотлари ишлаб чикариш, истемелчиларга етказиб бериш ҳамда сервис хизматларини курсатиш;
- Интернет тармогидан фойдаланиш буйича турли хизматларни курсатиш»
- Нусха кучириш ва купайтириш, компьютер ва оргтехника олиб келиш ва сотиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда урнатиш хизматларини курсатиш, бадиий-безаш, таxрир, сурат репродукция килиш, реклама, полиграфия хизматларини курсатиш;
- Турли хилдаги компьютер уйинлари, болалар автомат уйинлари, кунгилочар уйинларни ташкил этиш;
- Ақолига шаxарлараро ва халкару сузлашув хизмати курсатиш, барча уяли алока операторлари оркали диллерлик хизмати курсатиш, интернет тармогидан фойдаланиш буйича турли хизматларни курсатиш;
- Ақолига компьютер ва нусха кучириш хизматини курсатиш;
- Бино ва иншоотларни, савдо дуконларини ижарага бериш хизматлари;
- Закан зовурларни тозалаш, ирригация, мелорация ишларини амалга ошириш ва тик кудукларни таъмирлаш;
- Ёғоч қурилмаларига ёнишни олдини олиш мақсадида кимёвий ишлов бериш;
- Ёнғинга қарши қалқонларни, жихозларни (лом, бөгөр, белкурак, чөлак, кигиз ва бошқаларни) тайёрлаш, Иситиш печларини қуриш, печларга техник, дүлбуронлари ва хаво алмаштириш каналларига хизмат күрсатиш;
- Бино ва омборларни ёнғиндан дарап берувчи автоматик хабаргох билан жихозлаш, уларга техник хизмат күрсатиш, ёнғинга қарши автоматик қурулмалар билан жихозлаш, техник хизмат күрсатиш;
- Енглик (Руқава) ва дастакларни таъмирлаш, ички ёнғин учиргичларни енглик ва дастаклар билан жихозлаш;
- Ёнғин учирис мотопомпалар ва электр сув олиш насосларини (НШН) янгисини олиб келиши ва носозларини таъмирлаш;
- Ахоли ва ташкилотларга санъат соjасида маданий (концерт, театр, кино, видео ва х.к) хордик чиқариш хизматларини ташкил этиш;
- Метални қайта ишлеш үндән махсулот тайёрлаш буйича янги технология ва тажрибайи ишларни амалга ошириш;
- Метал чиқиндиларини ахоли ва юридик шахслардан нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан келишилган нархда олиб қайта ишлеш корхоналарига сотади;
- Экспорт-импорт амалиётларини бажариш;
- Кишлек хужалиги махсулотларини етиштириш, қайта ишлеш, саклаш ва сотиш, иссиқхоналарни ташкил килиш ва уларнинг фаолиятини юритиш;
- Халк истеммоли молларини ишлаб чикариш, олиб келиш ва сотиш;
- Кимматбахо металлар ва кимматбахо тошларни олиш ва сотиш;
- Нефт махсулотларини олиб келиш ва сотиш, автомобилларга енилги куйиш ва мой алмаштириш шахобчаларини ташкил килиш, уларнинг фаолиятини юритиш;
- Ажборот-маслакат ва консалтинг хизмати курсатиш;
- Автомобилларга суюлтирилган газ куйиш шахобчаларини ташкил этиш;
- Чорвачилик, бурдокичилик, паррандачилик, баликчилик, асалааричилик, қуёнчилик фаолияти билан шугулланиш, махсулотларини етиштириш, сотиб олиш, қайта ишлеш, саклаш ва сотиш;
- Ишлаб чикариш, туаржой-хужалик ва кишлек хужалиги максадлардаги биноларни лойихалаштириш ва уларни қуриш учун мухандислик кидирув ишларини бажариш;
- Пойафзал махсулотлари ишлаб чикариш ва сотиш;
- Ахоли ва ташкилотларга барча турдаги майший хизмат курсатиш;

- Миллий хунармандчилик фаолияти билан шугулланиш;
- Илмий асосларда жар хил матолар, трикотаж ва тукимачилик махсулотлари ишлаб чикариш;
- Кандолатчилик, кондитер, нон ва нон махсулотларини, макарон махсулотларини ишлаб чикариш ва сотиш;
- Кенг микёсда жалк истеъмол моллари, керамика махсулотлари, курилиш материаллари, мебель, чинни буюмлари, текстиль галантерияси, парфюмерия махсулотлари ишлаб чикариш ва сотиш;
- Кишлок жужалиги техникаларини таъмирлаш, созлаш, уларга эхтиёт кисмлар билан таъминлаш;
- Кишлок жужалиги махсулотлари, юнг, тери ва муйна, (шу жумладан уларни ишлаб чикарилган махсулотлар) пакта ва унинг чикиндилари, хамда доривор усимликлар, уругларни кайта ишлаш, кадоклаш ва сотиш;
- Канцелярия молларини ишлаб чикариш, олиб келиш ва сотиш;
- Компьютерлаштириш, дастурлар билан таъминлашда, полиграфия, ураш махсулотларини ишлаб чикариш жараенида, ностандарт ускуналар соҳасида янги технологияларни ишлаб чикиш, тадбик этиш ва сотиш;
- Фермер жужаликларини ташкил килиш, махсулотларни етиштириш, кайта ишлаш, саклаш, кишлок жужалик махсулотларини ишлаб чикариш, кайта ишлаш ва сотиш;
- Фукароларга ва ташкилотларга радио ва электрон аппаратларни таъмирлаш буйича хизмат курсатиш;
- Салкин алкогиз ичимликлар, шарбатлар, концентратлар ишлаб чикариш, импорт-экспорт килиш, улар савдосини ташкил этиш;
- Чет мамлакатлар ва МДХ давлатлари билан белгиланган тартибда савдо-иктисодий алокалар урнатиш, хамкорликда кушма корхоналар очиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари билан таъкиланмаган бошка фаолият турлари билан шугулланиш;

Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида такикланмаган бошка фаолият турлари билан хам шугулланиш ва амалга оширишга хаклиди.

3.4. Ўзбекистон Республикасининг тегишли Конунларида албатта лицензия олиниши кўрсатиб ўтилган фаолиятлар билан шугулланиш учун, жамият томонидан тегишли идоралардан лицензия олиб, сўнг фаолият кўрсатишни йўлга кўйилади.

4-МОДДА:

ЖАМИЯТНИНГ ХУКУКЛАРИ:

4.1. «Жамият» уз фаолиятини амалга ошириш, белгиланган вазифаларни бажариш, иш жараёнида вужудга келган муаммоларни ечиш борасида куйидаги хукукларга эгадир:

* тузилган шартномаларга мувофик моддий-техник ва бошка махсулотларини етказиб беришни таъминлаш;

* МДХ ва хорижий мамлакатларнинг Жамиятлари ва ташкилотлари билан узаро фойдали хамкорликни йулга куйиш ва ривожлантириш;

* уз махсулотлари, ишлари, чикиндиларини мустакил белгиланган нарх ва тарифлар буйича, конунчиликда назарда тутилган холларда эса-давлат томонидан белгиланган нарх-наволар асосида сотиш;

* ахолига (чакана) молларни белгиланган нархлар преискуранти буйича, ултуржи базалар ва бошка етказиб берувчилар оркали сотиб олинган, шу жумладан чет эл молларини эса келишилган нархларда сотиш;

* бошка юридик шахсларининг Низом фондида таъсисчи сифатида иштирок этиш, хизмат фаолияти буйича Республикада ва ундан ташкарида, вилоятларда, вилоятнинг шахар ва туманларида уз филиалларини очиш;

* биргаликдаги фаолият тутгрисидаги шартномалар асосида Жамият ва унинг филиаллари иш фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб килиш(бу холда фойданинг таксимоти алохида шартномада курсатиб утилади).

* техник воситаларга хизмат курсатиш ва уларни ижарага бериш, асбоб-ускуналар лизинги шахбочаларини ташкил килиш;

* Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташкаридаги худудларда давлат, тижорат, юридик ва жисмоний шахслар билан турли битим ва бошка юридик актларни амалга ошириш;

* Жамият ишларига чет эл жисмоний шахсларини жалб килиш;

- * Ўзбекистон Республикаси худудида кучар ва кучмас мулкларни, мулкчилик хукукларини ва интелектуал мулкни мулк килиб сотиш, сотиб олиш ва ижарага бериш ва олиш;
- * уюшма, иттифок, консорциум ва бирлашмаларга аъзо булиш;
- * белгиланган тартибида банкларда хар кандай, шунингдек валюта хисоб ракамларини очиш, банк кредитлари ва судаларини олиш, амалдаги конунчилик асосида хар кандай тулов шаклларини утказиш ва акцептлаш, уз маблагларини урнатилган тартибида ваколатли банклар оркали айрбошлиш;
- *тендер ва синовларда иштирок этиш;
- * накд пул ёки пул утказиш йули билан маҳсулотларни сотиб олиш, сотиш ва хизматлар курсатиш;
- * узининг ишлаб чикариш ва хужалик фаолиятини, хамда ижтимоий ривожланиш жамгармаларини мустакил режалаштириш;
- * Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунларига мувофик мустакил равища уз карамогидан мол-мулк карзи, камомад ва бошка зиёнларни чикариш;
- * Жамиятнинг Низомида кузда тутилган максадларга эришиш учун зарур булган техник-ишлаб чикариш воситалари, хом-ашё, материаллар, транспорт воситаларини сотиб олиш;
- * ким ошди савдоси, савдо, танлов ва тендерларда иштирок этиш, хомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- * конунчилик талабларига мувофик облигацияларни чикариш йули билан заём сармоясини шакллантириш;
- * ташки иктиносидий фаолиятни амалга ошириш;
- * Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик уз фойдаси йулида бошка хукукларни амалга ошириш.

5-МОДДА:

«ЖАМИЯТ» НИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ:

5.1. «Жамият» уз мажбуриятлари буйича узига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар хисобланади.

5.2. Жамият уз Иштирокчисининг мажбуриятлари буйича жавобгар булмайди.

5.3. Жамият Иштирокчиси унинг мажбуриятлари буйича жавобгар булмайди ва Жамият фаолияти билан боғлик заарлар таваккалчилигини у киритган хисса доирасидагина уз зиммасига олади.

5.4. Уз хиссаларини тулик киритмаган Жамият Иштирокчиси, унинг мажбуриятлари буйича туланмаган кисми доирасида солидар жавобгар буладилар.

5.5. Жамиятнинг банкротлиги Иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган булса, Жамиятнинг мол-мулки етарли булмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари буйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

5.6. Давлат ва унинг органлари Жамият мажбуриятлари буйича жавобгар булмайдилар, шу тарика Жамият хам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари буйича жавобгар булмайди.

6 МОДДА:

ИШТИРОКЧИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

6.1. Жамият Иштирокчisi куйидаги хукукларга эга:

- «Конун» ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланган тартибида Жамиятнинг ишларини бошкариша иштирок этиш;

- Конун хужжатлари ва Жамият таъсис хужжатларида белгиланган тартибида жамиятнинг фаолияти тугрисида ахборот олиш хамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошка хужжатлари билан танишиш;

- фойданни таксимлашда иштирок этиш;

- Жамиятнинг Низом фондидаги уз улушини «Конун»да ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибида сотиб ёки узга тарзда воз кечиш;

- «Конун»да ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибида исталган вактда Жамиятдан чикиш;

- Жамият тутатилган тақдирда, кредиторлар билан хисоб-китоб килингандан кейин колган мол-мулкнинг бир кисмини ёки унинг кийматини олиш.

6.2. Жамиятнинг Иштирокчisi Жамиятнинг Низом фондидаги узига тегишли улушни (улушнинг бир кисмини) учинчи шахсга гаровга куйишга хаклидир.

6.3. Жамият Иштирокчisi конун хужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган бошка хукукларга хам эга булиши мумкин.

6.4. Жамият Иштирокчисининг мажбуриятлари:

* «Конун»да ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибида, мидорда, усулларда ва муддатларда хисса кушиши;

* Жамият фаолияти тугрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор килмаслиги шарт.

*Жамият Иштирокчиси конун хужжатларида ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган бошка мажбуриятларга хам эга булиши мумкин.

7- МОДДА:

ЖАМИЯТНИНГ НИЗОМ ФОНДИ:

7.1. Жамиятнинг фаолиятини таъминлаш учун Иштирокчи хисобидан Низом фонди ташкил килинади.

Жамият Низом фонди унинг Иштирокчиси улушининг номинал кийматидан ташкил этилади ва 10 000 000 (Ўн миллион) сўмни ташкил этади.

№	Ф.И.О	Мол-мулк номи	Улуш суммаси	Жами Улуш суммаси	Фоизи
1	Абралов Хакимжон Хошимович	Пул маблаги, мол-мулк шаклида	10 000 000	10 000 000	100 %

7.2. Иштирокчи Низом фондига уз улушкини куйидаги куринишларда киритиши мумкин:

* пул воситалари;

* хар хил мол-мулк турлари (бино ва ишшоотлар, асбоб-ускуналар, асбоб-ускуналарга эҳтиёт кисмлар, хом ашё ва бошка товар-моддий бойликлар ва бошкалар);

* кимматли когозлар;

* мол-мулк хукуклари, ёхуд пул баҳосига эга булган бошка шахсга утказиладиган узга хукуклар;

7.3. Иштирокчи томонидан киритилаётган мол-мулкнинг киймати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик равища баҳоланади.

7.4. Низом фондига хисса сифатида Жамият фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат утгунга кадар ушбу мол-мулқдан фойдаланиш хукуки тутатилган тақдирда, Жамиятнинг мол-мулкни берган Иштирокчиси Жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулқдан шунга ухшаш шароитларда колган муддат мобайнида фойдаланганилик учун туландиган хакига teng пул товони тулаши шарт. Пул товони Жамият томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан бир ой ичида бир йула туланиши керак.

7.5. Жамиятдан чикиб кетган Иштирокчи томонидан Жамиятнинг Низом фондига хисса тарикасида фойдаланиш учун берилган мол-мулк, у канча муддатга берилган булса, шунча муддат давомида Жамият фойдаланишида колаверади.

7.6. Жамиятнинг Иштирокчиси Жамият давлат руйхатидан утказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддатда Жамиятнинг Низом фондига уз хиссасини киритиши керак.

7.8. Жамият Иштирокчиси томонидан хиссанинг тулик киритилганлиги Жамият Иштирокчисига бериладиган гувохнома билан тасдикланади.

8- МОДДА:

ЖАМИЯТ НИЗОМ ФОНДИНИ КУПАЙТИРИШ:

8.1. Жамиятнинг Низом фондини купайтиришга, у тулик туланганидан кейингина йул куйилади.

8.2. Жамиятнинг Низом фондини купайтириш Жамият иштирокчиси карорига биноан амалга оширилади.

8.3 Жамият Низом фондини купайтирилиши:

*Жамиятнинг мол-мулки;

*Жамият Иштирокчисининг кушимча хиссалари;

*Жамиятга кабул килинадиган учинчи шахсларнинг хиссалари хисобига амалга оширилиши мумкин.

8.4 Жамиятнинг Низом фондини Жамиятнинг мол-мулки хисобига купайтириш тугрисидаги карор, бундай карор кабул килинган йилдан олдинги йил учун Жамиятнинг бухгалтерия хисоботи маълумотлари асосида кабул килиниши мумкин.

8.5 Жамиятнинг Низом фонди Жамиятнинг мол-мулки хисобини купайтириладиган сумма Жамият соф активларининг киймати билан Низом фонди хамда Захира фонди суммаси уртасидаги фарқдан ортиқ булмаслиги керак.

8.6 Жамият Иштирокчесининг Жамият Иштирокчиси томонидан кушимча хиссалар кушиш хисобига Жамият Низом фондини купайтириш тугрисидаги карорида кушимча хиссаларнинг муайян умумий киймати ва хиссаларни тулик кушиш муддати белгиланиши керак.

8.7. Жамиятнинг Низом фондини купайтириш тугрисидаги карор билан бир вактда унинг таъсис хужжатларига Жамиятни иштирокчесини кушимча хиссаларини кушиш хисобига ва (ёки) Жамиятга

учинчи шахснинг (шахсларнинг) кабул килиниши, Жамият иштирокчиси улушларининг номинал киймати тегишлича купайтирилиши ва микдори аникланиши муносабати билан узгаришишлар киритиши тугрисида карор кабул килиниши керак.

Бунда Жамият Иштирокчиси улушининг номинал киймати унинг күшимча хиссаси кийматидан купрек суммага купайтирилиши мумкин эмас, Жамиятга кабул килинадиган хар бир учинчи шахс томонидан олинадиган улушнинг номинал киймати унинг хиссаси кийматидан ортик булиши мумкин эмас.

8.8. Күшимча хиссаларни кушишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Жамият Иштирокчисининг күшимча хиссаларини ва (ёки) учинчи шахсларнинг хиссаларини кушиш якунларини тасдиқлаш хакида, шунингдек Жамиятнинг Низом фонди микдорини билан боғлик узгаришишларни Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритиш тугрисида Жамият иштирокчисининг карори кабул килиниши керак.

8.9. Агар хиссалар кушишнинг Жамият иштирокчиси томонидан белгиланган муддати утганидан кейин, белгиланган күшимча хисса тулик ёки кисман кушилган булмаса, Иштирокчи күшимча хиссалар умумий кийматининг дастлабки Низом фондини белгиланган микдорини деярли киритилган микдоригача камайтириш тугрисида карор килишга хаклидир.

8.10. 8.8. бандида назарда тутилган Жамият таъсис хужжатларидаги узгаришишларни давлат руйхатидан утказиш учун хужжатлар, шунингдек Жамият Иштирокчиси томонидан күшимча хиссалар ва учинчи шахслар тамонидан хиссалар тулик микдорида кушилганлигини тасдиқловчи хужжатлар юридик шахсларни давлат руйхатидан утказувчи идораларга таъсис хужжатларига узгаришишлар, таъсис хужжатларига узгаришишлар ва күшимчалар тасдиқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай тақдим этилмоги лозим.

8.11. Таъсис хужжатлардаги узгаришишлар Жамият Иштирокчиси ва учинчи шахслар учун узгаришишлар юридик шахсларни давлат руйхатидан утказувчи идоралар томонидан давлат руйхатидан утказилган кундан эътиборан кучга киради.

8.12. 8.8. ва 8.10. бандларида назарда тутилган муддатларга риоя этилмаган тақдирда ёхуд күшимча хиссалар тулик кушилмаган ёхуд күшимча хиссалар умумий кийматини дастлабки белгиланган микдорини камайтириш тугрисидаги карор кабул килинмаган тақдирда, Жамиятнинг Низом фондининг купайтирилиши амалга ошмаган деб этироф этилади. Бу холда Жамият 10 (ун) кунлик муддат ичida Жамият Иштирокчисига у киритган күшимча пул хиссаларини кайтариши шарт.

8.13. Пул хиссалари 8.12. бандида курсатилган муддатда уз вактида кайтарилимаган тақдирда, Жамият конун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда фоизлар тулаши шарт.

9-МОДДА:

ЖАМИЯТ НИЗОМ ФОНДНИ КАМАЙТИРИШ:

9.1. Жамият уз Низом фондини камайтиришга хаклидир, «Конун»да назарда тутилган холларда эса, Жамият уз иштирокчисининг Жамиятнинг Низом фондидағи улушининг номинал кийматини камайтириши ва (ёки) Жамиятга тегишли улушларини тулаш оркали Низом фондини камайтириши шарт.

9.2. Жамият, агар бундай камайтириш натижасида Низом фондининг микдори амалдаги конунчилик билан мувофик холда белгиланган мастьулияти чекланган жамиятлар учун белгиланган Низом фонди микдоридан камайиб кетса Низом фондини камайтиришга хакли эмас.

9.3. Жамият давлат руйхатидан утказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида унинг Низом фонди тулик туланмаган тақдирда, узининг Низом фондини амалда туланган микдоригача камайтиришини эълон килиши ва унинг камайтирилганлигини белгиланган тартибда руйхатдан утказиши ёки Жамиятни тутатиш тугрисидаги карор кабул килиши лозим.

9.4. Агар иккинчи ва хар бир кейинги молия йили тугагандан кейин Жамият соф активларининг киймати унинг Низом фондидан кам булиб колса, Жамият узининг Низом фондини узининг соф активлари кийматидан ошмайдиган микдоргача камайтирилишини эълон килиши ва бундай камайтириши белгиланган тартибда руйхатдан утказиши шарт.

9.5. Жамият соф активларининг киймати амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда аникланади.

9.6. Жамият уз Низом фондини камайтириш тугрисида карор кабул килинган кундан эътиборан уттиз кун ичida Жамиятнинг Низом фонди камайтирилгани ва унинг янги микдори хакида Жамиятнинг узига маълум булган барча кредиторларини ёзма равишда хабардор килиши, шунингдек кабул килинган карор тугрисида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон килиши шарт.

Бунда Жамият кредиторлари узларига хабарнома йулланган санадан этиборан уттиз кун ичida Жамиятга тегишли мажбуриятларини муддатидан илгари тутатишни ёки ижро этишини хамда узлари курган заарнинг урнини коплашини ёзма равишда талаб килишга хаклидирлар.

**10- МОДДА:
Ф О Й Д А Н И Т А К СИМЛАШ ТАРТИБИ:**

10.1. Жамият хар кварталда, йилига бир марта ёки ярим йилда бир марта узининг соф фойдасини таксимлаш тугрисидаги карорини кабул килишга хакли.

10.2 Жамият куйидаги холларда уз фойдасини таксимлаш тугрисида карор кабул килишга хакли эмас:

